ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 58 (9.861) / 2003 ЙИЛ 24 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

БУГУН пойтахтимиздаги «Ньтерконтиненталь» меҳмонхонасида Ҳиндистон тадбиркорлари маҳсулотлари савдо кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

БУГУН Миллий матбуот марказида «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг сўнгги республика босқичига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЭРТАГА Ҳамза туманидаги Тўхтасин Жалилов номли Болалар мусиқий саройида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда 450 нафар ногирон болаларга байрам тадбири уюштирилади.

ЭРТАГА Ҳамза туманидаги 155-мактабда шахмат ва шашка бўйича тумандаги 9 та маҳалла жамоалари ўртасида мусобақа ўтказилади. Беллашув Аҳмад Яссавий номли маҳалла фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилмоқда.

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги «Каттабоғ» маҳалласида янгиланиш, яшариш айёми Наврўзи олам муносабати билан байрам тадбири уюштирилди.

«ЗАРАФШОН» концерт залида ўтказилган пойтахтлик болажонларнинг мода фестивали ҳам Наврўзга бағишланди.

СЕРГЕЛИ туман политехника касб-ҳунар коллежида ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хориждан келтирилган педагогик технологиялар кўргазмаси намойиш этилди.

ЗАМОНАВИЙ санъат марказида амалий безак асарлари кўргазмаси пойтахтлик ихлосмандларга намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазмадан 400 дан ортиқ асарлар ўрин олган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Пойтахтимиздаги «ZOBIT» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг жамоаси давлатимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иш юритмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикувчиси Доно Юсупова ва тажрибали уста Зумрад Юсуповалар иш устида.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



• ЕТТБнинг ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Келгусидаги тараққиёт учун имкониятлар омили

Илгари хабар берганимиздек, жорий йилнинг май ойида шаҳримизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг йиллик анжумани бўлиб ўтади. Шуниси эътиборга моликки, илк бор Осиё қитъаси, яъни Ўзбекистон уни ўтказиш жойи этиб танланди. 1999 йилда банк бошқарувчилари томонидан қабул қилинган ушбу қарор мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тан олинишининг яна бир ёрқин далолатидир.

Ҳозирда пойтахтда уч мингдан ортиқ қатнашчилар, кузатувчилар ва меҳмонлар ташриф буюрадиган улкан анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бир қатор меҳмонхоналар замон талаблари асосида қайта таъмирланмоқда, тегишли телекоммуникациялар таъминоти, компьютерлар ва ташкилий техника воситалари ҳозирланмоқда. Тошкентга Европа тикланиш ва тараққиёт банки техник комиссиялари бир неча бор келиб, бир қатор ташкилий масалаларни муҳокама қилиш, бўлғуси форум қатнашчиларининг ишлаш ва яшаш шароитлари ва унга кўрилаётган тайёргарлик билан танишиш мақсадида вазирлик ва идораларда бўлдилар.



Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 1992 йили ЕТТБнинг аъзоси бўлди ва ўтган ўн бир йил давомида ўзаро ҳамкорлик самарали ривожланиб борди. Ҳозирги кунгача ушбу банк 720 миллион евродан ортиқ маблағни Республика иқтисодиётига киритди. Яна 100 миллион евролик очиқ инвестиция лойиҳалари ҳам молиявий кўмак бўйича аниқ ечимларини кутмоқда.

Ўзининг яқинда Ўзбекистонга ташрифи чоғида ЕТТБ президенти Жан Лемьер банк мамлакатимиздаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар — бозор инфратузилмаси, кичик ва ўрта бизнес соҳалари, минтақавий савдо-сотиқни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади. Жумладан у Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларни муваффақиятли татбиқ этилган лойиҳалар сифатида қайд этди. Улар шаҳар истеъмолчиларининг иссиқлик ва сув таъминотини яхшилаш билан боғлиқ лойиҳалардир. ЕТТБнинг ушбу лойиҳаларга киритган инвестицияларининг умумий ҳажми 39 миллион еврони ташкил этди. Жан Лемьернинг фикрига кўра, пойтахтда бир нечта хусусий корхоналарнинг инвестициялар билан таъминланган лойиҳалари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Май ойидаги Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг бўлғуси анжуманини Жан Лемьер келгусидаги тараққиёт учун имкониятлар омили дея таърифлади.

(Ўз мухбиримиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• БУГУН Тошкентдаги Стратегик тадқиқотлар институтида «Япония ва Ўзбекистон: ҳамкорликнинг янги даври» мавзуидаги семинар ўз ишини бошлади. Тадбирга Япония элчихонасидан вакиллар ҳамда Япония Мудофаа институтининг хавфсизлик муаммолари бўйича эксперти жаноб Юаса Такеши таклиф қилинган. Семинар ЭРТАГА Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида давом этади.

• Наврўз байрами муносабати билан Навоий кон металлургия комбинати жамоаси Конимех ва Нурота туманларидаги мактаб ўқувчиларига 5 миллион сўмлик спорт анжомларини совға қилди. Шунингдек, Шимолий кон бошқармаси кўмаги билан Нуротадаги гимназия мактабида 2 та компьютер синфи ташкил қилинди.

• Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида яна бир янги қўшма корхона —«Унико» масъулияти чекланган жамият ўз фаолиятини бошлади. Ушбу қўшма корхона лойиҳа қувватига етиб ишлай бошлагач, ҳар йили маҳаллий пахта толасидан ташқи бозорда рақобатбардош 3,5 минг тонна ип ишлаб чиқаради.

• Сурхондарё вилоятида ҳам шу кунларда бир қатор янги маданий-маиший йўналишдаги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ҳисобига «Бахт уйи» ва санаторий қуриб битказилди.

• Жиззах вилоятида ҳам Наврўз байрами қутлуғ келди. Жумладан, қариялар учун мурувват уйи ва эндокринология диспансери ҳамда болалар шифохонаси ўзининг дастлабки мижозларини қабул қилди. Шу ва бошқа маданий-маиший ва даволаш муассасаларини бунёд этишга давлат томонидан 150 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

• «ДЭУ ЮНИТЕЛЬ» компанияси Наврўз байрамига бағишланган лотерея тиражини ўтказди.

Жаҳонда

• Японияннинг Кибо шаҳрида озиқ-овқатлар ва ичимликларнинг халқаро кўргазмаси ўз ниҳоясига етди. Унда жаҳоннинг 86 мамлакати қаторида Ўзбекистон корхоналари ҳам иштирок этди.

• Чеченистонда сайловчиларнинг 80 фоизи иштирокида референдум бўлиб ўтди. Унда республика Конституцияси, президентликка ва парламентга сайловлар бўйича қонун лойиҳалари овозга қўйилди. Халқаро кузатувчилар референдумнинг демократик тарзда ўтганлигини эътироф этишди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра Ироқнинг шимолида 450 мингдан ортиқ қочоқлар йиғилиб қолди. Қўшни мамлакатлар уларни қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Иқтисодиёт

Имкониятдан фойдаланиб

Чилонзор туманидаги «Релеавтоматика» заводи жамоаси анча йиллар мобайнида ўзининг сифатли, рақобатбардош электроника, электр техника ҳамда пластмасса маҳсулотлари билан ички бозоримизни тўлдириш йўлида баракали меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мазкур корхонанинг 250 нафар малакали, ўз касбининг усталари бўлган ишчи-ходимлари шартнома асосида 8 миллион сўмлик буюртмаларни муваффақиятли амалга ошириш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар. Корхонанинг буюртмачилари—«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгазқидирув», Асакадаги «ЎзДЭУ» қўшма корхонаси каби йирик корхона ва ташкилотлардир. Уларнинг буюртмаларига асосан ўтган 2002 йилда 548 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди.

Корхона цехларига ўрнатилган замонавий хорижий дастгоҳлар ютуқлар омили ҳисобланади. Жорий йилда ҳам Германия давлатидан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилиши режалаштирилган.

Самарали изланиш

Пойтахтимиз қурилишларида муваффақиятли ишлатилаётган металлга ишлов берувчи асбоб-ускуналарнинг асосий қисми «Асбобсоз» ҳиссадорлик жамияти жамоаси аҳли томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур корхонанинг асосий буюртмачилари ҳам қурилиш ташкилотлари ҳисобланади. Ўтган 2002 йилда корхона томонидан 89 миллион сўмликдан ортиқ сифатли, чидамли маҳсулотлар тайёрланган.

Ҳозирги кунда корхона тадбиркорлари юксак марралар сари интилиб меҳнат қилмоқдалар. Яъни маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини янада ошириш, асосийси ички бозоримизда ўз мавқеларини мустаҳкамлаган ҳолда хориж давлатларига ҳам маҳсулотларини экспорт қилишни режалаганлар.

Тадқиқот натижаси

Юртимизда иқтисодиётни кўтариш кўплаб омилларга боғлиқлиги сир эмас, албатта. Бугунги кунда самарали изланишлар олиб бораётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси технология ва асбобсозлик яратмалари юқори баҳоланмоқда.

Мазкур бирлашма мукаммал технология ва асбобларга ўнлаб хорижий патентлар олган. Бирлашманинг Россия Фанлар академияси, Япония, АҚШ, Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳамкорлиги, яъни мустаҳкам, ишончли илмий алоқалар ўз натижаларини бериб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб қатъият билан айта оламиз.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

• ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Таҳририятимизга ҳамшаҳарларимиздан хонадонларнинг иссиқлик тақсимотига доир кўплаб мактублар келмоқда ва қўнғироқлар бўлмоқда. Бир-бирига ўхшаш мавзуларнинг бир нечтасини умумлаштирган ҳолда шарҳлаш учун Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бош директори Ғаффор НОРМАТОВ ва «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг техник директори Абдухалил ВАЛИЕВларга мурожаат қилдик.

КОММУНАЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

— Шаҳримиз аҳолисини иссиқлик билан таъминлашда коммунал ташкилотларга қандай вазифалар юклатилган?

— F. Норматов: Турар жойларни иссиқлик билан таъминлаш вазифалари қуйидагича тақсимланиб «Тошиссиқликмаркази» ва «Тошиссиқликқуввати маркази» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаради. «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ишлаб чиқарилган иссиқликни иссиқлик тармоқлари орқали турар жойларга етказиб бериш ва уларда ўрнатилган тармоқлар ва ускуналарни соз ҳолатда ушлаб туриш юмушларини амалга оширади.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни хонадонларга етказиб беради ва уй ичи тармоқлари ва ускуналаридан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Ўз ўрнида бу иссиқликни қабул қилиб олиш ва уни эҳтиёт қилиш, асбоб-ускуналар, кранлар, сув аралаштиргичлар, сув ўлчаш асбоблари (улар ўрнатилган бўлса)-ни техник соз ҳолатда сақлаш хонадон эгаларининг зиммаларида бўлиб, юқоридагилар уй-жой эгаларининг мулки ҳисобланади. Хонадон ва уйнинг кириш йўлакларини совуқдан асраш, эшик-дераза-ларга ойна қўйиш, тирқишларини беркитиш ҳам уй-жой эгалари зиммасига киради.

— Хонадонларда иссиқлик бўлмаслигининг асосий сабаблари нималардан иборат?

А. Валиев: Иситиш мавсумига тайёргарлик даврида шаҳар хизматлари томонидан марказий ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларида синовлар ўтказилиши ва таъмирлаш ишлари бажарилиши, иссиқлик трассаларининг эскирган жойлари алмаштирилиши, шаҳар қозонхоналари жиҳозлари таъмирдан чиқарилиши лозим.

Хонадонларни иссиқлик билан сифатли таъминлаш, шунингдек, уйларни иситиш мавсумига тайёрлаш даражасига ҳам боғлиқ. Уй ичидаги қувурларнинг тиқилиб қолган ва эскирган жойларини, ўз хизматини бажариб бўлган ускуналарни ўз вақтида алмаштириш, биноларнинг ён томонидаги чокларини тўлдириш, зинапоялар жойлашган кириш жойларидаги дераза-ларга ойна қўйиш ва бу ердаги эшикларни таъмирлаш шулар жумласидандир. Бу ишлар ёз мавсумида уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан бажарилиши лозим.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз вазифаларини керакли даражада бажармаганлари оқибатида уйларни иссиқлик билан таъминлашда узилишлар бўлиб туради...

Бунинг натижасида уйнинг ҳаммасига тегишли бўлган иссиқлик таъминоти меъёрлари издан чиқади ҳамда ертўладаги санитария қоидалари бузилади. Оқибатда узатувчи қувурлардаги беркитгичлар тез ишдан чиқади, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг авария бригадалари томонидан таъмирлаш ишлари бажарилгунча уйнинг ҳамма хонадонлари иситилмай қолади...

— Уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уйлар иситиш мавсумига сифатсиз тайёрланган бўлса, аҳоли қаерга мурожаат қилиши лозим?

F. Норматов: Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунида белгилаб қўйилганидек, уй-жой мулкдорлари ширкати нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, уй-жой эгалари томонидан кўнгилли равишда тузилади ва ундан фойдаланишни, уни асраб-авайлашни таъминлаш ва биргаликда бошқариш, умумжамоа объектларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, умумий тарзда эгалик қилинадиган мулкнинг зарурий ҳолатини таъминлаш учун хизмат қилади.

Бошқарув ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига бўйсунади, шунинг учун аҳоли ширкатдан ҳисобот талаб қилишга ҳақли.

— Хонадонлардаги иссиқлик тармоқлари ва жиҳозлари ким томонидан таъмирланади?

А. Валиев: Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ўтган 2002 йилдан эътиборан турар жой уйлари пойдеворидан то элеватор бўғинигача бўлган иссиқлик тармоқларига ва элеватор бўғинларининг ўзига ҳам бирлашма томонидан хизмат кўрсатилади. Иссиқлик бўғинлари ва уларга уланган қисмларни созлаш, уларни жорий йилда таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланиш ишлари бирлашма зиммасига юклатилган. Мазкур ишларни амалга ошириш сарф-харажатлари иссиқлик энергияси истеъмоли тарифига киритилган.

Иссиқлик бўғинидан кейинги иссиқлик ажратгичлари ва иссиқ сув таъминоти ускуналарини ўз ичига оладиган турар жой уйларининг барча муҳандислик коммуникацияларига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, уларни керакли ҳолатда сақлаб туриш, иссиқлик бўғинига келгандан сўнг иссиқ сувни ҳар бир хонадонга етказиб бериш масъулияти уй-жой мулкдорлари ширкатлари зиммаларига тушади.

Суҳбатни Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЛОНДОНДА НИШОНЛАН

Халқимизнинг кўп азиз байрами — Нав... оламни Ўзбекистон Ре... ликасининг Буюк Брита... ги элчихонасида кор... меҳмонлар даврасида ну... лаш яхши анъанага айла... Бу йилги байрам тадбо... «Ўзбекистон ҳаво йўл... миллий авиакомпания... латхонаси ходимлари ... Британияда таҳсил олаё... талабаларимиз, хизмат... ридаги ҳамюртларимиз ... тания — Ўзбекистон ҳа... аъзолари, ишбилармон... тимоий доира ҳамда ко... дипломатик корпус вак... ри ҳам иштирок этишди.

Элчихонамиз меҳмон... ўзбек миллий таомлари... малак ва баҳорий ноз-не... лар билан безатилган ... дастурхони атрофида ... сурган шоду хуррамлик... нафас бўлишди.

Англияда ижодий саф... бўлиб турган таниқли ... хонандаси Севара Наз... ижросидаги концерт дас... тадбирга ўзгача шуҳ... ди. Хонандамизнинг ... ли овози ила янграган ... танга муҳаббат, севги ва ... лий қадриятларимизни ... нум этувчи мумтоз ва зам... навий куй-қўшиқлар меҳ... лар қалбини мафтун эт...

Шунингдек, маросим ... расида ташкил этилган ... қарли мусобақалар, рас... ва томошалар давом... ўзбек талабалари ўзлари... билим ва маҳоратларин... мойиш қилишди.

Наврўз айёми тантана... ри билан ўртоқлашган ... рижлик меҳмонлар: ... ўзбек халқининг қадимий ... аналари ва урф-одатла... нақадар эъзозлашига, ... лий қадриятларига юксак ... мат ва эътибор билан ... сабатда бўлишининг ... бор гувоҳи бўлдик» дея ... роф этишди.

Мардон ЁҚУБ...
«Жаҳон» ... Лон...

• ОДДИЙ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ширинсухан чиптачи

Сир эмаски, ҳар бир касб замирида шарафли ва машаққатли меҳнат ётади. Агар киши ўз ишига масъулият ила ёндашиб, унинг сир-асрорларини пухта ўрганса эл назарига тушиши табиий. Малика Нурмуҳамедовани ҳам ҳамшаҳарларимиз эътиборини қозонаётган меҳнаткашларимизнинг бир вакиласи десак, муболаға бўлмас.



Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ҳали хўроз қичқирмасданоқ автосаройга отланиш, кейин эса кун давомида (Қорақамиш 2/4 дан «Тошкент» «универмаги» дўкони бекатигача 85-йўналишда) ўн маротаба бош бекатдан охиргисигача чипта сотиш. Бу айтишгагина осон. Зеро, автобусга турли характердаги юзлаб одамлар чиқади. Айниқса эрталаб ва йўловчилар ишдан қайтаётганда тирбанд автобусда чипта сотиш бу касб соҳибидан метин ирода талаб этади.

— Мен чипта сотувчи Малика опани икки йилдан бери яхши биламан, — дейди йўловчилардан бири — олий тоифадаги шифокор Мавлуда Жўраева. — Ҳар замон ўйга толиб, «Аёл кишининг жони қирқта бўлади», деб айтилган мақолнинг қанчалик тўғри эканлигини дилдан ҳис этаман. Зеро, чиптачилар кун давомида автобус ичкарисида неча километр йўл босишларини ўйлаб кўрганмисиз? Мали... опа ҳар доим, ниҳоят... чарчаган пайтида ҳам ... ҳорғинлигини билди... май, йўловчиларнинг ... рига ака, бирига ука, ... бирларига опа, қиз... дея ширинсўз-у, таб... сум билан мурожа... этиб, ўз ишини дад... эттира беради. Қисқа... бундай чиптачилар ... чалик кўп бўлса, кайф... тимиз ҳам кўтарилаве... ди.

Ҳа, бахтини меҳнатдан топиб, фарзандларини севимли онажонга бўлган Малика Нурмуҳамедова сингари одил касб эгалари ҳамиша бор бўлишсин.

Наргиза ХЎЖАЕВА

СУРАТДА: ширинсухан чиптачи Малика Нурмуҳамедова.

Нўъмон Муҳаммаджонов олган сурат.

Таълим

Компьютер ёрдамида

Ахборот технологиялари ривожи жараёнида компьютер қурилмалари билан ишлашнинг қатор янги усуллари юзага келмоқда. Компьютерда дастурлаш ишларини амалга ошириш борасидаги изланишлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида ҳам бу борада қатор янгиликлар рўёбга чиқди. Компьютерда дастурлаш бўлимининг истеъдодли ёшлари изланишлари туфайли қатор қурилма намуналари яратилди. Шундай дастурлардан бирини телефон тармоқлари ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган рақамлаштириш тизимида ҳам ҳорий этиш мумкин.

Бу техник янгилик кўпгина шаҳар ва қишлоқларда телефондан унумли фойдаланиш учун кенг йўл очиб беради.

Бундан ташқари коллежда «ақлли» уйинчоқлар ясалди. Радиомикрофон ва электромагнит ёрдамида ишлайдиган бу хил қурилмалар ҳам энг яхши техника ижодкорлиги деб баҳоланди. Компьютерда дастурлаш жараёнларини такомиллаштириш самараси ўлароқ банк тизимида қўлланиладиган ҳисоблаш дастурлари ҳам тайёрланди.

Ўқув-амалиёт жараёнида қўл келади

Умумий амалиёт шифокори тайёрлаш бўйича Англия дастурига халқаро миқёсда амал қилинмоқда. Лондон шаҳрида ўтказилган ушбу нуфузли дастурнинг бир йиллик ўқув машғулотларида Ўзбекистонлик мутахассис кадрлар ҳам ўз билим ва амалий кўникмаларини ошириб қайтдилар.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ўқув-врачлик маркази ҳамда аспирантураси вакилларидан иборат бу гуруҳ хизмат сафари чоғида Англиядаги коллежда ташкил этилаётган таълимий жараёнлар билан атрофлича танишдилар. Шунингдек, Лондондаги саломатлик марказларининг поликлиникалари фаолияти ҳам яхши тассурот қолдирди. Муолажаларни олиб боришда компьютер ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилганлиги ҳам улар эътиборини ўзига тортди.

Англия дастури ўқув-амалиёт жараёнларини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш имконини бермоқда. Шу сабабли ҳам бу илғор тажрибани олий ўқув юртида татбиқ этиш тадбирлари кўрилмоқда. Зеро, мазкур ҳориж тажрибаси институтда умумий амалиёт шифокори тайёрлашни «Саломатлик лойиҳаси» дастури доирасида амалга оширишда қўл келади.

Ғолибларга — ЮНЕСКО мукофоти

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро болалар жамғармаси билан «Камолот-қонун» ҳуқуқий маркази ҳамкорлигида янги лойиҳа юзага келди. Болалар бадиий ижодиёти бўйича уюштирилаётган танлов ҳам ана шу лойиҳа доирасида ўтказилаётган энг қизиқарли тадбирлардан бирига айланиб қолди.

Наватдаги бундай танловда Мирзо Улуғбек тумани мактаблари ўзаро беллашдилар. Унда 500 га яқин ўқувчи қатнашиб, 10 та йўналиш бўйича ижодкорлик қобилиятини намойиш қилди. «Яхши расм», «Яхши шоир», «Миллий рақснинг яхши ижрочиси», «Моҳир қўллар», каби йўналишлардаги ижодий кўрикда бир неча ёш истеъдод юқори кўрсаткичга эришди.

Ғолибларга мукофотларни Халқаро болалар жамғармаси, ЮНЕСКО ташкилоти вакиллари топширдилар.

Акбар АЛИЕВ

«НАВРЎЗ» КЎРГАЗМАСИ

Республика Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Наврўз" кўргазмаси намойиш этилмоқда.

— Ҳар йили Наврўз байрами арафасида мусаввирлар ўзларининг кўргазмасини намойиш этадилар, — деди Марказий кўргазмалар зали директорининг ўринбосари Лайло Жўраева. — Усталар ва турли мактабларга мансуб бўлган халқ амалий санъати асарлари кўргазманинг каттагина қисмини ташкил этади. Кўргазмада расмлар билан бир қаторда сопол, кашта, гилам, заргарлик буюмлари, ёғоч ўймакорлик каби асарлар ҳам намойиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазмага юз нафар рассомнинг 500га яқин санъат асарлари қўйилган. Масалан, мусаввир Медат Кагаровнинг суюкли персонажларидан бири қушлардир. Рассомнинг фикрича, ривоят ва афсоналар акс этган асарлар инсон руҳиятини кўтаради, уни гўзаллик дунёсига етаклайди.

Рассомлар Собир Раҳметовнинг "Алпомиш", Ориф Мўминовнинг "Енгилмас", "Бўри боласи", Фарҳод Сулаймоновнинг "Қипчоқлар" номли асарлари мозийдан сўзлайди. Улар яратган асарларда афсоналар, ривоятлар, достонлар қаҳрамонлари акс этган. Ғайрат Бойматовнинг "Шарқона бозор", "Ургутда тўй" номли асарларида миллий қадриятлар, урф-одатлар рассомнинг ўзига хос ички туйғулари орқали талқин этилади.

Жамол Усмоновнинг асарларида сокинлик акс эттирилган. Рассомнинг фикрича, табиат ҳар қандай фаслда гўзал, унинг ҳар бир ҳолати маълум ранглар уйғунлигида берилади. Мусаввир яратган асарларнинг барчаси ўзига хос баҳорий кайфият билан йўғрилган.

«Туркистон-пресс»



— Дарахтларни парваришлаш, пайванд қилишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор, — дейди отахон ёшларга пайвандлаш сирларини ўргатар экан.

НАЗМ

Онажон шаҳрим!

Ҳамиша навқирон, тенги йўқ ўлкам,
Ўзбеклар диёри — бағри кенг олам,
Шарқ диёрин кўрки, чиройи фахрим,
Тошкентим, гўзалим, Онажон шаҳрим.

Тўлдирар шуҳратга мардлар ғурури,
Азамату, қаҳрамонлар сурури,
Мафтункор диёрим, музаффар
шаҳрим,
Сенга таъзимдаман, Онажон шаҳрим.

Мулла Тўйчи, Ражабийлар умиди,
Ойбек, Ғафур, Қодирийлар орзуси,
Истиқлол, эркинлик равнақи дебон
Қон кечган Боболар фахрисан
шаҳрим.

Истиқбол режасин тузиб Юртбоши,
Кўрсатди халқимга ёрқин ҳаётни.
Юртдошлар бўлишиб бир жону,
бир тан.
Курдилар ҳам озод, ҳам обод Ватан.

Қадр-қиммат, дўстлик
меҳридан элим,
Гуллади диёрим, жаннатий ерим,
Истиқлол нашъаси ила ёш авлод,
Яйраб яшамоқда, кўнгил ҳуробод.

Тожибек ЮСУПБЕК ўғли,
меҳнат фахрийси.

• БУГУН — БУТУНЖАҲОН СИЛГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Бутун дунё тиббиёт аҳли ҳар йили 24 мартда Силга қарши кураш кунини нишонлайди. Зеро, 1882 йилнинг худди шу кунида таниқли германиялик бактериолог Роберт Кох Берлин физиологлари йиғилишида силни келтириб чиқарувчи омилни кашф этганлигини биринчи марта хабар қилганди.

Ўша йили Р. Кох мана бундай деб ёзган эди: «Агар касаллик хавфини унинг қурбонлари сони билан аниқлайдиган бўлсак, сил ўлат ва Осиё вабоси сингари кўп тарқалган ва одамзот учун жуда хавфли бўлган юқумли касалликларни орқада қолдиради». Р. Кох замонида сил касаллиги ер юзидаги одамларнинг ҳар еттитасидан бирининг умрига завол бўлар эди. Охирги 120 йил давомида ундан 200 миллион киши ҳаётдан кўз юмган. Силга қарши курашда XX асрнинг 60-70 йилларигача маълум муваффақиятларга эришилганига қарамасдан, ушбу касаллик ҳозир ҳам бугунги тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига мувофиқ, ҳозирги вақтда бутун дунёда 20 миллионга яқин киши сил билан касалланган. Ер куррасида ҳар йили 3 миллион одам сил туфайли дунёдан кўз юмади, шулардан 100.000 нафари болалар ва 1 миллион нафари аёллардир.

Сил юқумли касаллик бўлиб, уни сил микобактериялари келтириб чиқаради. Сил микобактериялари ҳар қандай аъзони шикастлаши мумкин, лекин, ўпка тўқималарини энг кўп шикастлайди. Шунингдек, суяк-бўғин тизими, буйрак, бош мия пардалари ҳам шикастланиши мумкин. Мия пардалари зарарланганида силнинг энг оғир кўриниши — сил менингити бошланади. Сил билан оғриган бемор даволанмаса, касаллик 2-3 йил давомида беморни ўлимга олиб келади, баъзи ҳолларда ўпка қон томирларининг емирилиши натижасида ўпкадан қон кетиши туфайли бемор анча барвақт нобуд бўлиши мумкин. Силнинг манбаи сил микобактерияларини ташқи муҳитга чиқариб турадиган бемордир. Ўпка сили билан касалланган беморлар сил микобактерияларини балғам билан чиқаради. Йўталганда, акса урганда, гапирганда сил микобактериялари балғамнинг жуда майда томчилари билан аэрозоль шаклида ҳавога ўтади. Ҳавода балғам томчилари 14-16 соат муаллақ туриши мумкин. Шу ҳаводан нафас олган соғлом одам сил билан зарарланади. Ўпка сили билан оғриган бемор бир кеча-кундузда балғам билан 1 миллиард микобактерия ажратади. Балғам деворга, жиҳозларга тушиб қурийди. Бунда микобактериялар ҳалок бўлмайди, қуруқ балғамда улар 8-10 ойгача сақланиши мумкин. Хонани қуруқ йўл билан йиғиштириш (супуришда) микобактериялар яна ҳавога кўтарилиб, соғлом одамни зарарлаши мумкин.

Сил билан оғриган сигирларнинг сути пиширилмасдан истеъмол қилинадиган бўлса, бу касаллик меъда-ичак йўли орқали ҳам юқиши мумкин. Ўпка силининг клиник кўринишлари хилма-хилдир. У грипп, зотилжам, бронхит касаллигига ўхшаб ўтиши мумкин. Силнинг асосий белгиларидан бири, бу — йўталдир. Йўтал 3 ҳафтадан кўп давом этиши мумкин. Йўтал қуруқ ва балғамли бўлиши, кўп ҳолларда у билан бирга қуйидаги белгилар кузатилиши мумкин. Дармонсизлик, тез чарчаш, терлаш, озиш, кўкрак қафасида оғриқ, ҳар замонда ҳароратнинг кўтарилиши. Бу белгиларнинг ҳаммаси бирданига пайдо бўлишини кутиб туриш керак эмас.

Эсингизда бўлсин, бир неча ҳафта давом этаётган йўтал силнинг ягона белгиси бўлиши мумкин.

Тиббиёт ходимларига ўз вақтида мурожаат қилиш йўли билан силнинг зўрайиши ва яқинларингизни зарарланишининг олдини олиш мумкиндир.

Балғамни сил микобактерияларига микроскоп остида текшириш энг оддий ва тез усуллардан бири ҳисобланади. Уч ҳафта давом этаётган йўтал шундай текшириш ўтказиш кераклигини билдиради. Эсингизда тутинг, касалликни ўз вақтида аниқлаб тавсия қилинган даволаш тартибига қаттиқ риоя қилинса, уни шифолаш мумкин.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси ва халқаро жамиятлар (Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Чегарасиз шифокорлар» ташкилоти, Проект ХОУП-ЮСАИД)нинг маслаҳат ва молиявий ёрдамлари билан силга қарши курашнинг янги стратегияси (ДОТС)ни татбиқ қилиш бошланди. Мазкур стратегия Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бу касаллик кўп тарқалган мамлакатлар учун тавсия қилинган. ДОТС силга қарши дастур бўлиб, касалликни балғамни микроскопия усулида аниқлаш, беморлар учун юқори самарали стандартланган даволаш тартиби ва дориларни назорат остида қабул қилишга асосланган-дир. Ҳозирги вақтда силга қарши дастур ДОТС кўп мамлакатларда қабул қилинган. Бу дастурнинг Ўзбекистон Республикасида қабул қилиниши касаллик тарқалишига қарши ишончли тўсиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида Акмал Икромов ва Чилонзор туманларида икки йил давомида ДОТС дастури бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари яхши натижалар билан давом этмоқда. Бу йил Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти силга қарши кураш кунини «ДОТС — мени даволади, сени ҳам даволайди» шиори остида ўтказмоқда.

Хурсаной ИСМАТУЛЛАЕВА,
шаҳар бош фтизиатри.

• МУСОҲАБА

Нозик жарроҳлик амалиёти

Яқинда таҳририятимизга бир аёлдан хат келди. «Ҳали ёш бўлсамда, юзимга тез қарилик белгилари, ажин тушиб, ҳуснимни йўқотиб қўймоқдаман. Турмуш ўртоғим косметологлардан маслаҳат олишимни ва ҳуснимни сақлаб қолишимни талаб қилмоқда. Учта фарзандим бор, оиламизга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Аммо турмуш ўртоғимни гўзал аёлларни яхши кўриши сабаб эрта сўниб бораётган ҳуснимдан хавотирга тушмоқдаман. Илтимос, таҳририят ходимлари, оиламни сақлаб қолишга ёрдам берсангизлар. Ахир баъзида пластик операциялардан сўнг ҳуснини қайта тиклаган одамлар ҳақида ҳар хил миш-мишларни эшитиб қоламизку».

Насиба САЛИМОВА,
Сергели тумани.

Гўзаллик дунёни қутқаради. Бу иборани қанчалик инкор қилмайлик, аммо қалбимиз ҳамиша гўзалликка, ёшликка интилиб яшайди. Юқоридаги Насибахоннинг мактубини ўқиб, тиббиёт фанлари номзоди «Доктор Динора» хусусий фирмаси раҳбари Абдусалом Абдуқодиров билан айнан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Пластик операциялар асосан 40 ёшдан сўнг қилинади. Чунки бу ёшда инсон териси айни камолотга етган, яъни чўққига чиқиб, ундан тушиш вақти бошланади. Аммо баъзи юзларда қарилик белгилари, ажин, 25 ёшдан кўрина бошлайди. Лекин бу юзларни пластик операция қилиб бўлмайди. Чунки тери баттар салқилашиб кетади. Пластик операциядан чиққан юз ўн йилга ёшариб кўринади. Бундан ташқари юзни сақлаб туриш учун тишларнинг ўрни жуда муҳим. Шунинг учун тиш милкларига суньий тишлар экамиз — бугунги кунда клиникамизда 500 дан ортиқ пластик операциялар қилинди. Агар мумкин бўлганда беморларнинг суратини кўрсатган бўлардик. Негаки, бизга даволанишга келган беморларнинг суратларини уларнинг хоҳишларисиз жамоатчиликка кўрсатишимиз мумкин эмас.

— Абдусалом ака, клиникаларингиз фаолияти ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Клиникамиз Марказий Осиёда ягона бўлиб, Тошкент вилоятида жойлашган. Пойтахтимизда эса «Динора» хусусий фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Клиникамизнинг асосий йўналиши косметология, хирургиядир. Юз-жағ соҳасида яллиғланиш, жароҳатларни, ўсма ва ўсмасимон ҳосилаларни, туғма нуқсонларни гўдакларнинг 1 кунлигидан, мактаб ёшигача бўлган вақт оралиғида даволаймиз. Бундан ташқари беморларнинг хоҳишига қараб 16-17 ёшдан пластик операция қилинади. Аммо 40 ёшда қилинган пластик операция яхши натижа беради.

— Пластик операцияларни қилдириш жуда қиммат деб айтишади.

— Юзга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам пластик операция жуда нозик амал ҳисобланади. Айтайлик, қулоқ операция қилинадиган бўлса жароҳат ўрни ҳам кўпол кўриниб қолади. Аммо бизга келадиган беморларимиз ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб операция қилдиришади. Чунки пластик жарроҳлик нозик жараён бўлиб, бемор муолажадан сўнг гўзал ҳолга келиши, жарроҳлик аломати сезилмаслиги лозим. Шу боис операция нархини ўзимиз белгилаймиз.

— Ҳар қандай эркак аёлининг қаримаслигини хоҳлайди. Сиз шифокор сифатида Насибахоннинг фикрига қандай қарайсиз?

— Авваламбор инсоннинг қалби гўзалликка, ёшликка интилади. Аммо ундан ҳам олий бир туйғу борки, киши танасини гўзаллик, ёшлик тарк этгани билан бу олий тушунча инсон қалбини ҳеч қачон тарк этмайди. Шунинг учун пойдевори мустаҳкам оила гўзалликни, ёшликни қадрлайди, аммо олий туйғу — севги қаршисида тиз чўкади. Тўғри биз пластик операция орқали кишини 10 ёшга ёшартирамиз. Аммо шундай одамларимиз борки, биз уларнинг кўзларини севиб қоламиз. Сўзим якунида оқшомхонларга гўзалликнинг қадрига етинг ва уни асраб-авайланг, гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларимизни севинг, ардоқланг дейман.

Шаҳло ҲОШИМОВА суҳбатлашди.

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Чойхона маърифатхонага айлансин

Жўра ота саксон ёшдан ошганига қарамай ҳали бардам, тетик. Кўп вақтини маҳалла чойхонасида ўтказади. Ҳамсуҳбати билан дилдан чақ-чақлашишни хуш кўрадиган отахон кунларнинг бирида каминадан сўради.

— Болам сен газетада ишлайсан, айтчи чойхоналар тарихи ҳақида бирон мақола қоралаганмисан?

Очиғи, ушбу мавзуда жиддий шуғулланмаганлигим боис индамай қўя қолдим. Суқут сақлаб турганим отага эриш туюлдими ёки энсаси қотдими, пичинг аралаш деди:

— Маслаҳатим, ушбу мавзуни чуқур ўрганиб мақола таййрла. Шаҳримиз чойхоналарининг фаолиятини ўрган. Ахир бир замонлар чойхоналар маънавият маркази сифатида роса довруғ қозонган. Ҳозиргидек енгил-елпи зиёфатлар уюштириладиган жой бўлмаган. Қаерга қарамай, чойхонада ўтирган ёшлар дам олишни овқатланишу спиртли ичимлик ичишдан иборат деб биладиган бўлиб қолди. Ана шуниси ёмон.

Ҳамсуҳбатимнинг сўзлари таъсир қилдими чойхонага диққат билан разм сола бошладим. Дарҳақиқат, супачаларда ҳордиқ олаётганлар ўзаро гурунглашишар, яширишнинг ҳожати йўқ, «киттак-киттак» қилаётганларнинг ширакайф тарздаги баланд-паст овозларидан қулоқлар қоматга келгудек бўларди. Бу ҳолатга ўрганиб қолганим боисми, бошида эътибор бермаганим ўзимга наъша қилди. Шунда ҳам сир бой бермай:

— Чойхона бўлгандан кейин дам олади-да, Жўра ота, — дедим суҳбатдошимга.

— Гапинг тўғрику-я, — сўзини давом эттирди отахон, — лекин авваллари чойхонада турли хил тадбирлар, айтайлик, қироатхонлик кечалари уюштириларди. Бизнинг авлод Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини, Навоий, Бедил, Фузулий ғазалларини чойхонада эшитиб катта бўлган. Шуларни эсласам, энтикиб кетаман, болам. Бу ҳақда ўз фикрларимни газета орқали баён қилай дейману кўзимнинг хиралашиб қолганлиги панд беради-да. Яхшиям ўзинг учраб қолдинг.

Жўра ота билан гурунглашяпману, хаёлимга атоқли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидаги воқеалар қуюлиб келаверди. Унда тасвирланишича, Шомурод ака хотини Раънонинг хиёнати туфайли анча қийналган, якхаю ёлғиз фарзанди Музаффарни опичлаб катта қилган. Романнинг Музаффар тилидан ҳикоя қилинган бобларида 4-5 ёшли жажжи болакай ҳар куни кечқурун дадаси билан чойхонага чиқар, албатта катталар уни алқашиб бири оқ қанд, бири попук улашар, «ишларингиз яхшими, гирой» деб уни эркалашарди. Муҳими, чойхонада ҳар куни кундалик газеталар мутолаа қилинар, уни ҳамма жон қулоғи билан тинглаб сиёсий, ижтимоий воқеликларга ўз муносабатини билдирарди. Ёки ҳатто чойхоналарда ўша вақтларда китобхонлик кечалари ўтказилганлигини эслаб ўтиш кифоя. «Икки эшик ораси» романига яна мурожаат қиладиган бўлсак, уруш вақти эканлигига қарамай ўша вақтда ҳам одамлар маънавият зиёсидан баҳраманд бўлишга ваҳт топишган. Асар қаҳрамонларидан бири Ҳусан думанинг уйида қизи Робия билан истиқомат қилаётган муаллим бошчилигида тунлари Ориф оқсоқол ва Ҳусан дума иштирокида китобхонлик кечалари ўтказилади. Хуллас, Жўра ота айтганларидек, чойхона ҳақиқатан ҳам маҳалланинг маънавият ўчоғи эканлигини англаган. Чойхоналар ҳақида ёзаётиб ёшлигимда рўй берган воқеа ёдимга тушди. Янглишмасам, ўшанда 12-13 ёшли болакай эдим. Маҳаллада гап тарқалдики, чойхонамизга таниқли шахматчи Мамажон ака Муҳитдинов келармиш, бир йўла 20 нафар ҳаваскор шахматчига қарши бир ўзи бир вақтда дона сурармиш. Шахматга меҳр қўйиб эндигина дона суришни ўргана бошлаган кезларим эмасми, ёш бўлишимга қарамай чойхонага чиқдим. Ўзбек шахматчиларининг устозини кўриш иштиёқида чойхонага йиғилганларнинг сон-саноғи йўқ. Чойхона файзга тўлиб кетгандек. Бироз фурсат ўтиб Мамажон ака Муҳитдинов (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин)ҳам келдилару шахмат сеанси бошланди. Очиғини тан олиш керакки, 20 нафар шахматчига қарши бир вақтнинг ўзида дона суриш, яна шу партияларнинг 18 тасида рақибини мағлубиятга учратиш осон иш эмас. Аммо, Мамажон ака бунинг уддасидан чиқдилар. Фақат 2 партиядагина дуранг натижа қайд этилди. Маҳалладошимиз, техника фанлари доктори, профессор Пўлат Ҳасанов Мамажон ака билан кечган баҳсда дуранг натижага эришганини ҳамон мароқ билан эслаб юради. Демоқчимизки, чойхона — биринчи навбатда маънавият ўчоғи бўлиши керак. Кимки маҳаллага ташриф буюрса аввало унинг чойхонасига қадам ранжида айлайди. Шундай экан, суҳбатдошимиз Жўра ота таъкидлаганларидек, маҳалла чойхоналарини обод қилайлик, чойхонани майхона эмас, балки маърифатхонага айлантирайлик. Ёшларимизнинг маънан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларини хоҳлаётган эканмиз, чойхоналарда шахмат, шашка бўйича спорт мусобақалари уюштирайлик. Агар ота-боболаримиз сингари қироатхонлик тадбирлари ўтказилса, маҳалла маркази ҳисобланмиш чойхона том маънодаги тарбия ўчоғига айланиши шубҳасиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Менинг она авлодим Тошкент шаҳрининг «Шайхо... рида Китоб туманига кўчиб боришган. Бобокало... Китобга борган эканлар. Собиқ шўролар ҳокимият... қизлари Нусратбиби отин Абдураззоқ қизи мени (...нинг) тарбиялаб вояга етказганлар.

ҚАРИНДОШЛАРИМ ...ОРИГА ЕТСАМ...

Нусратбиби бувимдан уч фарзанд: (бобом Ғаффор ... тор ҳам «кулоқ» қилинган) катта тоғам Абдуфатҳон Ғаффоров, кичик тоғам Турсунмурод Ғаффоров ва мен... онам Хайринисо Ғаффоровалар қолишган. Бувим 100 да... тоғамлар 90 дан ошиб, онам 80 дан ўтиб қазо қилди... тишди. Онамни ўз васиятларига кўра, сўнгги манзи... ри Тошкентга, Юнусободнинг Болта мозор хилхонаси... қўйдим...

1966 йили ўқишга киргач, бир дўстим билан қариндошларим манзилларини излаб боргандим. Эскижувани... Ҳамза кўчаси, Олча тор кўчаси, хотирам панд бермаса, 46-хонадонда бувимнинг сингиллари билан учрашганман. Невараларини олиб ўтиргандилар. Зилзила сабаби билан янги квартираларига кўчиб кетишиб, уларнинг ... рини йўқотиб қўйдим.

Аксига олиб, кейинги ўн йилликлар давомида қариндошларимнинг ягона нусха суратларини ҳам йўқотиб қўйдим. Яқинда моҳирамазон олди уйни кўтараётган қизим эски қоғоз ва қўлёзмаларим орасидан бир сурат топиб менга берди ва хотирамнинг қайта тикланишига сабаб бўлди.



Бу расм тахминан 1957-60-йиллар оралиғида Тошкентда олинган. Пастдан ўнг қўлда — бувимнинг синглиси, ёнида қизи — Муборак опа. Тик турган ўғилларининг — биринг исми Маҳмуджон ака бўлганлигини онам, тоғаларимдан эшитганман. Уйдагилардан эшитганимга кўра, тошкентлик тоғаларим — Маҳмуджон ака Таълим вазирлигида масъул ходим, у кишининг укаси (балки акасидир) темир йўл тизимида машинист бўлиб хизмат қилишган экан. Муборак холам тўқимачилик институтида ўқиганми, ишлаганми, билолмадим. Афсуски, Муборак опалар Китобга боришганида (қариндошлари билан танишгани. Бу тахминан 1960-62 йилларда содир бўлган) мен қишлоққа — Паландарага таътилга кетган эканман.

Мана, орадан 40 йил ўтиб, тағин ўша эски қадрдон расмни — она юртим — тошкентлик қариндошларим суратларини топиб олдим. Энди уларни йўқотиб қўйишни истамайман. Албатта, бу суратдаги хола ва тоғаларим бор бўлишса, 80 ва ундан юқори ёшда бўладилар. Улардан қанчалар фарзанду невaралар тарқалган бўлишлари керак. Бу гал улуғ айём кунларида ўз қариндошларимни топиб олишимга умидим бор.

Ўзим ҳақимда икки оғиз: 1948 йили Китобда туғилганман. Тошкентда таҳсил олдим. Уйландим. Филолог-журналистика соҳасини танлаб, иш бошлаганимга 30 йилдан ошди. Мактабда, институтда ўқитувчилик, нашриётларда муҳаррир-ноширлик қилиб келмоқдаман. Мени кўпчилик «Ўқитувчи» нашриётида билади. Узоқ йиллар таҳририят мудири бўлиб ишлаганман.

Турмуш ўртоғим билан 3 фарзандлик, 4 невараликмиз. Худога шукр, болалардан тинганмиз. Барчаси олий маълумотли, бир ишнинг бошини тутган, оила ва жамиятда ўз ўрнига эга. Шу кунларда Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриётида хизмат қилмоқдаман... Энди қариндошларим билан дийдорлашиш насиб этишини Оллоҳдан тилайман.

Манзилим:
Тошкент ш., Юнусобод тумани, 11-мавзе, 2-уй, 93-хонадон. Телефон: 125-42-14

Маҳмуд САТТОРОВ.



Хатла— ҳаёт ойаси



Азиз газетхон, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материалларини ўқиб бояпсизми? Нега ҳайрон боқаяпсиз, демак ўқимабсиз, ўқимадим дейсизми? Ҳа, баракалла, бундан кейин ҳар ойда бу саҳифани интизорлик ила кутаверинг. Чунки «Хатлар — ҳаёт ойнаси» сизнинг яқин сирдошингизга айланиши табиий. Қандай қилиб дейсизми? Бу жуда жўн ва оддий.

• СИЗ БУНГА ...ЙСИЗ?

«Сут, қатиқ...»

Мен эрталаб ... Бадантарбия, сўнг эса ... бугунча) касбим тақозоси ... ишни зарурлигидан ... вақтда ... қола... ёки бир-... деганлай... Назаримда ... дори маҳол деганларни ... га тушса керак. Шундай ... пистнинг касби-кори ...

Аммо, деганимдек, Негаки, баъзи ҳоллар... та ташриф буюрган «... этганча ошёнига йўл ... колади, қаламни қирт-...

Биродар, бизнинг ... биттагина қонуни бор, ... қонуни олтин» дейишади. ... қонунда: «Нима учун?», ... саволлар мавжуд. Агар ... учиб кетиш сабабига ... қатиқ сотувчилар айбдор ...

Хар тонг бир ... келди, қатиқлар!», «Свежий молоко!»

Энди ҳазил-... ...онга йиғиштириб, соғлом ... газаларга тўтсак:

Биринчидан, ...ширин уйқуда бўлади. Бу ... ...акат бериш ҳеч қандай ... ган. Эҳтимол, эрталабки ... ...диганлар ҳам учраб қолар ... колган саволга жавоб)

Иккинчидан, кўча, умуман маҳаллаларда ... ...имизнинг учраши, табиий. ... ...ксик жонниг иситмаси бўлиб ... ...ган бўлсак, эрталаб ... ...коқол» дея шанғиллаётган ... ...рис опахон, билиб-билмай ... ...отиринг жамлигини бузмай!

Менинг бир ... ...маслаҳатгўйим бор. Ўзи кўп ... ...диёнатли инсон. Вақтида ... ...ида кўп ишлаганиданми, ...да макон ҳақидаги фикрлари теран, мушоҳадали зот. Бир куни уйига борсам, анча йиллар ишлаган соати бузилиб қолганидан шикоят қилди. Табиийки:

— Тузаттириб бераман, ота, танишларим бор, — дедим.

Жавоб қурғур қуйидагича бўлди:

— Тузаттираман, деб овора бўлма, болам. Худога шукр, қатиқчилар бор!

Кулишга оғиз жуфтладиму, чолнинг кўзларидаги, юзларидаги норизоликни кўриб сергак тортдим. Кейин билсам, у анчадан бери, уйқунинг тўсатдан бузилишидан азият чекаётган экан.

...Кечқурун ишдан қайтаётиб, қўшнимнинг хомуш алфоздаги кайфиятидан ҳайратга тушдим. Бир гапириб, ўн қуладиган одамнинг, бирданига жиддий бўлиб қолиши, қор ёғиб турибди, бирданига жазирама иссиқ бошланиб кетишига ўхшаркан. Ҳар қалай, менда шундай таассурот қолди:

— Ҳа, қўшни нимага бунча, сувга тушган бўлка нонга ўхшаб қолдингиз? — дедим.

Унинг қоринларини силкитиб: «Ҳа-ҳа-ҳа», деб кулишини кутгандим. Аммо ундай бўлмади. У тўхтади, кейин:

— Қизим баннисада.. —деди синиқ оҳангда.

Яна сергакландим.

— Нимага?

— Онаси, эрталаб қатиқчилардан сут олиб ичирган экан. Дўхтирларнинг айтишича атравления бўлибди.

— Ўзи тузукми?

— Анча тузук. Бола-да кўп қийналди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Баъзи пайтларда эътиборсизлигимиз сабабли, билиб-билмай пала-партиш тайёрланаётган маҳсулотларни харид қилиб, хонадонимиз осойишталиги, оила аъзоларимиз сиҳат-саломатлигига зиён етказмаяпмизми?! Ахир инсоннинг саломатлиги ҳар нарсадан устун эмасми?!

Энди сут-қатиқ сотувчи опахонларга маслаҳатим! Ҳеч қачон, ўзингиз ишонч ҳосил қилмагунча маҳсулотларингизни сотишга жазм этманг! Шундагина, юртдошларимизнинг саломатлигига жиддий путур етмайди.

Ҳумоюн АЛИЕВ

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

АНИҚ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Газетанинг шу йил 20 февраль сонида берилган «Тор бекат» сарлавҳали танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасида кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, метронинг «Чилонзор» бекатидаги аҳвол нафақат «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг, балки оммавий-ахборот воситаларининг ҳам диққат эътиборидадир. Шу муносабат билан ушбу долзарб муаммони батамом ҳал этиш учун метронинг «Чилонзор» бекати яқинида қулайликларга эга бўлган автошоҳбекат қурилиши учун ер майдони ажратиш масаласи кўрилмоқда.

Унга қадар, «Чилонзор» бекатида Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ҳамда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси таркибидаги транспорт корхоналари масъул ходимларининг биргаликдаги доимий навбатчилиги жадвал асосида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, метронинг «Чилонзор» бекатида ва бошқа бекатларда ҳам керагидан кўп туриб қолиш ҳолларига барҳам бериш ва бу борада ҳайдовчиларнинг масъулиятларини ошириш мақсадида янги низом ишлаб чиқилиб, барча ҳайдовчи (чиптачи)лар, йўналиш назоратчилари, корхона назоратчилари бартараф этиш юзасидан аниқ режалар белгиланмоқда.

Ўйлаймизки, бу қилинаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бериб, мақолада келтирилган нохуш ҳолатларга барҳам берилади.

М. МИРҚОСИМОВ
Бошқарув раисининг ўринбосари.

• ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Истаклар инобатга олинса

Халқимизда инсонларнинг мушкулини осон қилиш савоб иш дейилади. Ана шундай савоб ишларни қилишни ўзларига касб қилиб олган соҳа ходимлардан бири — ҳайдовчилардир. Улар ўзларининг беминнат ёрдамлари билан кишиларнинг узоғини яқин қиладилар ва доимо халқнинг дуосини оладилар.

Лекин бугунги кунда бу соҳа ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги бекатидаги манзарани кузатадиган бўлсангиз, дилингиз оғрийди. Ушбу бекатдан қатновчи 96, 11, 32 каби автобуслар оёқ босиб бўлмас даражада тиқилинч бўлади. Шундай бўлса ҳам, ўқишга кечикаётган талабалар ҳам, ишга ёки бирон юмуш билан кўчага отланган йўловчилар ҳам бу автобусларга «бир амаллаб» чиқишга мажбурлар. Чунки, худди шу ердан ўтувчи 47-автобус фабрика ёнидаги бекатда тўхтамайди.

8-автокорхонага қарашли Юнусобод— Бешёғоч йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 51-автобус эса бир бекат нарида — Бешёғочда қолади. Ваҳоланки, ҳар томонлама қулай ва замонавий бу автобус учун яна бир бекат нарига «ўтиш» ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаса керак. Чунки автобуснинг асосий йўловчилари «Халқлар Дўстлиги» бекатида тушиб, автобус анчагина бўшаб қолади. Шу жиҳатдан олганда 51-автобус ҳамшаҳарларимизнинг истакларини ҳисобга олиб бир бекат наридан айланса, йўловчиларнинг узоғини яқин қилса жуда соз бўларди.

Ишонамизки, 8-автокорхона раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар бу таклифни назардан четда қолдирмай, ўйлаб кўриб яна бир савоб ишни амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Барча йўловчилар номидан:

Сайёра ЖЎРАЕВА,
Инобат МАТЁКУБОВА,
талабалар.

• ...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Пойтахтимиз ой эмас, кун сайин кўркамлашиб, ободонлашиб бораётир. Кечагина юрган йўлимизда бугун замонавий кўприк ёки супермаркет, кўп қаватли уйлар ёхуд спорт кошонаси барпо этилиб, уни таниёлмай қолаётганимиз ҳам рост. Бу бири биридан гўзал, салобатли, меъморий жиҳатдан тўкис, кўзни қувонтирадиган янги қурилишларни санаб адоғига етиш қийин.

Орасталикка дор ярашмайди

Лекин ҳар тўкисда бир айб деганларидек, айтишга арзимасдек туюладиган, бироз масъулиятсизликка йўйса бўладиган камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни айниқса, Обод маҳалла йилида дилдан айтиб, бартараф этилишида жиддиккина улуш қўшсак қандай яхши.

Навоий номли театр майдонидаги улкан фавворани кўрмаган, унинг шаффоф суви зарраларидан завқ олмаган киши бўлмаса керак. Агар зеҳн солган бўлсангиз ана шу фаввора атрофидаги майдонга ётқизилган бетон плиталар етти-саккиз жойда кўчиб, айримлари чўкиб, юриш учун ноқулай ҳолатга келган. Баъзи плиталар емирилиб, симлари чиқиб етибди. Ёки «Тошкент универмаги»дан сал юқори томонга юрсангиз китоб расталарига олиб борадиган йўлка шунингдек, «Заногри гумбаз» хиёбонидаги пиёдалар учун мўлжалланган йўллар ҳам шундай аҳволда эканини кўрасиз. Агар сал ушёрликни йўқотсангиз борми — йиқилиб тушишингиз ҳеч ғап эмас.

Матбуотчилар кўчасида бир неча йиллардан буён қурилиши битмай-ётган уч қаватли бино рўпарасидаги йўлканинг 20 метрли жойига бетон ғишт терилмай қолган. Терилган қисми эса ўпирилиб ётибди. Бундай мисаларни Амир Темур хиёбони йўлкалари ва бошқа кўплаб жойларда ҳам кузатиш мумкин.

Нима бўлгандаям, юқорида эслатиб ўтилган ҳудуд шаҳримиз маркази. У ҳар биримизнинг юз-кўзимиз. Шунинг учун ҳам у каттами ёки кичиклигидан қатъи назар кўнгилни хира қиладиган мавжуд камчиликларга барҳам берилиб, йўл ва йўлкаларимиз, кўча ва хиёбонларимиз, майдону истироҳат боғларимиз юксак дидли пойтахтликлар талабига яраша ҳолатга келтирилса нур устига аъло нур бўлади.

Абдували ЖАББОРОВ

Оламда нима гап?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Япониянинг Киото шаҳрида сув муаммосига бағишланган учинчи Бутунжаҳон форуми ўтказилди. Унда 160 та давлатдан 10 мингга яқин делегатлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари қатнашди. Форумдан мақсад дунё аҳлини сув танқислигига эътиборини қаратиш ва ундан оқилона фойдаланишдир. Маълумотларга кўра, аҳоли сонининг ошиб бориши, иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши боис бугунги кунда чучук сув муаммоси кескин ортиб бормоқда. Шунингдек, форумда айни пайтда сув заҳираларига эга бўлмаган ҳудудларда яшаётган 1 миллиардга яқин аҳолига ичимлик суви етказиб бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

◆ АҚШ молия вазирлигининг маълум қилишича, янги долларнинг муомалага чиқарилиши боис унинг қалбаки кўринишини ишлаб чиқариш сезиларли даражада камайган. 2001 йил муомаладаги 600 миллиард долларга 49 миллион доллар сохта пуллар тўғри келган. Ўтган йили эса сохта пуллар миқдори 44,4 миллионни ташкил этган эди. Ушбу жиноят доирасида ҳозиргача 5 мингдан ошиқ киши ҳибсга олинган ва 650 та яширин лабораториялар йўқ қилинган.

◆ Британиянинг Britsh Airways авиакомпанияси Форс кўрфази ҳудудида вазият қалтислигини инобатга олиб, март ойининг учинчи ўн кунлигидан эътиборан Исроилга учадиган барча парвозларни бекор қилди. Шунингдек, Лондондан Дубайга қатнайдиган самолётлар ҳам камайтирилди.

◆ Эрон полицияси Интернет хизматидан фойдаланувчи 68 нафар ёш эркак ва аёлни қамоққа олганлигини «Известия» газетаси хабар қилди. Уларнинг айби шуки, Интернет орқали бир-бирлари билан учрашув жойини белгилаб, «таъқиқланган алоқа»га киришишга келишиб олишган. Бу эркак ва аёллардан ташқари полиция «Танишув сайти» операторларини ҳам қўлга олди. Кейинги пайтда Эронда бир неча «танишув сайтлари» ёпилган.

◆ Бразилиянинг Жанубий ҳудудида жойлашган Парагвай билан чегарадош Фоз шаҳрида бирданига полициянинг 24 нафар зобити қамоққа олинди. Полиция вакилининг журналистларга берган интервьюсида айтилишича, улар катта-катта пора эвазига контрабанда товарларини — қурол, алкоголь ичимликлари, гиёванд моддалари, автомобиль ва бошқа техникаларни чегарадан ўтказиб юборишган.

◆ Бу йил жаҳондаги энг баланд нуқта — Эверест забт этилганига 50 йил тўлади. 8850 метрлик чўққига биринчи бўлиб 1953 йилнинг 29 май куни непаллик Н.Тенцингом ва Янги зиландиялик Э.Хиллари чиқишган эди. Шундан буён бу ерда 1,2 минг киши бўлди. Эверестнинг забт этилганига ярим аср тўлиши муносабати билан Непалга кўплаб меҳмонлар келиши кутилмоқда.

• ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

«ЙИГИТЛАР» ТУҒИЛГАН ТОНГ

Ғафур ака сира одамсиз туролмасди.

Ҳамма вақт уйи тўла одам бўларди.

Қирқ олтинчи йилнинг эрта кўклами эди. Ғафур ака редакцияга телефон қилиб кечқурун келишимни сўради.

— Бизникида ётиб қоласан, ойингга айтиб кел.

Мен Ғафур аканинг бунақа эркаликларини яхши билардим. Унинг қайсарлиги-ю, жиндек мақтанганнамо гаплашишлари, ҳар бир тўртлик кетидан мақтаб турадиган битта одам зарурлигини биламан. Бошқалардан кўра у кишини мен келиштириб мақтардим. Ўзи ҳам бунга тан бериб:

— Мақташни сенга-ю, ёзишни менга чиқарган, — дерди.

Кечқурун бордим. Шеър ёзамиз деган одам бир уй меҳмон йиғиб улфатчилик қилиб ўтириптилар. Келин аямга: — Бу қанақаси бўлди? — дедим.

Муҳаррам опа кулди.

— Акангизнинг касалларини биласиз-ку. У кишининг «бер-бер» касаллари бор.

Бу касални ҳам билардим. Уруш йиллари Ғафур ака ўзига теккан озиқ-овқат улушини олиб келганда бизга ўхшаган камхарж ёшларга бўлиб берарди. Қўшниси, жуда ҳам яхши кўрган дўсти Мирзаабдулла ака ҳам қуруқ қолмасди. Муҳаррам опа нолиб: «Болаларга ҳам қолсин», деганда у кулиб: «Бер-бер» касалим борлигини биласиз-ку», дерди. Ҳозир Муҳаррам опа ўша воқеаларни эслатган эди.

— Бугун нашриётдан пул олган эканлар, «бер-бер» касаллари тутиб қолиб одам бошлаб келганлар. Бекор келибсиз, шеър бўлмаса керак.

Болохонадаги кабинетга чиқсам, полга жой қилинган. Дастурхон атрофида машҳур шоир, Бедилни ёд биладиган, ажойиб навоийшунос Боқий домла, Ғафур Ғуломнинг дўсти, яқинда Тошкентга кўчиб келган андижонлик шоир Сайфий, Ҳабибий домла ўтиришипти. Жами машшоқларнинг пири Юнус ака тақсимчага чертиб, хониш қиляпти.

Улфатларни кўриб бугун шеър бўлмаслигига астойдил ишондим. Ғафур ака мени кўриб, ҳижолат тортганидан «лаганбардорлик» қилиб меҳмонларга мени таништирди:

— Танишиб қўйинглар. Бу менинг шогирдим. Ўзимдан ўтиб кетган. — Шундан кейин у менга қаради. — Бўлдими ё яна мақтайми?

Мулзам бўлиб бир чеккага ўтирдим.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати деган номга сазовор бўлган Мирзо Улуғ у пайтда ёш бола эди. Ҳабибий домлага кўк чой дамлаб чиқаман деб дадасининг яхши кўрган кўк чойнагини синдириб қўйди. Шундан кейин Ғафур ака менга: «Чой-пойга ўзинг қараб тур», деб буюрдилар. Бу пайт Боқий домла Умархон саройидаги шуаронинг пешқадам шоири Адо тўғрисида, унинг «Адо қаддини дол этмиш» сатри билан тугайдиган тўртлиги хусусида кўзларини юмиб гапираётган эдилар.

Боқий домла кексайиб қолган, қувват бўлади деб жиндек-жиндек коньяк ҳўплаб турардилар. Ғафур ака ҳазил қилиб:

— Шоирнинг сиёҳдони ичкарида бўлади. Домланинг сиёҳдонларига тез-тез шароб қуйиб турмаса қуриб қолади, — деди.

Боқий домла кулиб Ғафур акага бир қарадилар. Тилларига қандоқ гап келганини сезган Ғафур ака у кишидан олдин гапириб қўя қолди:

— Албатта, биз ҳам шу неъматдан бебаҳра эмасмиз.

Бирдан кулги кўтарилди. Эшик ғичиллаб очилиб, Мирзо Улуғ мени имлаб чақирди. Кетидан пастга тушдим.

Дарвоза олдида Ғайратий домла билан Ғафур ака хуш кўрмайдиган, жиндек ичкилик оғзига тегса ҳеч кимга гап бермайдиган, ўзини-ўзи шоир атаб юрадиган танишимиз турипти. Бошлаб кирай десам бу одам улфатларнинг суҳбатини совутади. Ғайратий домлага кўзимни қисиб:

— Ғафур ака уйда йўқлар, — дедим.

— Кираверайлик, келиб қолярлар, — деди Ғайратийга эргашиб келган шоир.

— Ҳали вери келмайдилар. Дўрмондаги Ёзувчилар боғига кетганлар, — дедим.

У тураверди. Мен Ғайратий домлага:

— Ғафур ака сизга бир хат ташлаб кетган эдилар. Шуни олиб тушай, — дедим.

То болохонага чиққунимча мабодо турки совуқ кириб қолса, одам борлигини билмасин, деб Ғафур ака остонадаги кавуш, калишларни йиғиб ичкарига опкириб қўйган экан. Уйдагилар жим. Биронтасидан садо чиқмасди. Овозимизни чақирилмаган меҳмон эшитиб қолмасин, деб бир-бирлари билан имлашиб гаплашишяпти.

Ғафур ака тиззасига қоғоз қўйиб, кўз юмиб очгунча нималарнидир ёзиб қўлимга берди.

Ўқидим:

«Файрато, ёнингдаги шилқимни барбод айлагил,
Адресимиз Арпапоя, сен буни ёд айлагил,
Ҳам Юнус, Боқий, Ҳабибий тўти қушдек интизор,
Тез келиб суҳбат аро базмимни обод айлагил.

Сайфий домланинг исм-шарифларини шеърга қўшмадим. Бунга сабаб у киши заёмдан юз минг сўм ютганлар, ёмон ниятли одамлар сезмаслиги керак. Ҳозирча Сайфий домла секрет.

Сенга ҳурмат ила Мирза Абдул Ғафур Шоший, собиқ Қоратоший».

Хатни Ғайратийга бердим. Ўқиб чўнтагига солди-ю, «меҳмон»ни бошлаб кетди. Ярим соатлардан кейин кула-кула қайтиб келди.

Меҳмонлар ётиб қолишди. Муҳаррам опа то ярим кечгача ошхонада куймаланиб қозон осди. Ғафур ака эрталабга сомса қилишни буюриб болохонага чиқиб кетди.

Соат учлардан ошганда Ғафур ака мени уйғотди. Қўлида қоғоз, кўзойнаги пешонасида.

— Тур, илҳом париси. Шеър туғиляпти, доялик қилиб юбор.

Дарров турдим. Кичик кабинетга кириб стулга ўтирдим. Уйқум қочмаганидан икки марта эснаган эдим, Ғафур аканинг жаҳли чиқиб кетди. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Ғафур аканинг жаҳли чиққанда қочишдан бошқа илож қолмасди. Дарров тавба қилдим. Қўрқанимдан уйқум ҳам қочиб кетди.

Ғафур ака тўртта тўртликни ёзиб бўлган экан. Кўкрагини кериб, худди радио дикторларига ўхшаб тантанали овозда ўқиди.

Бу унинг ҳозирда жуда машҳур бўлиб кетган «Йигитларга» деган шеърининг бошланиши эди.

Роса мақтадим. Ғафур ака суюниб кетиб:

— Юр, опангга ўқиб берамиз, — деб қолди.

Муҳаррам опа хамир қориб ҳозиргина ётгани, то ярим кечагача меҳмонларга овқат пишириб чарчаганини айтдим. Ғафур ака ўйланиб туриб қолди. Унинг шеър ёзганда бировга ўқиб бермаса туролмайдиган, дарров фикр эшита қолсам, деган одати бор эди. Секин кириб чироқни ёқмай Ғайратий домлани уйғотиб чиқдим. Домла ўзига келмай анча пайтгача кўзини ишқаб ўтирди. Ғафур ака битта шарт қўйди.

— У ери ундоқ, бу ери мундоқ, дейдиган бўлсанг, кириб ёта қол.

— Ғафур мақтов масаласида мендан хотиржам бўлавер.

Ғафур ака болалигидан дўсти, аччиқ-чучукни бирга татиган, шеър азоби-ю, роҳатини бирга баҳам кўрган ўртоғи олдида ёйилиб кетди. Эркаланиб шеърни ўқий бошлади.

Ҳозир худди кўриб тургандайман. Ғафур ака шеър ўқияпти. Ғайратий домла ҳўнг-ҳўнг йиғлаяпти.

Шеърнинг таъсири қай даражага етганидан ҳаяжонланиб кетган Ғафур ака шифтга анча вақтгача тикилиб турди-да, бирдан қўлига ручка олиб араб алифбосида ўнгдан чапга қарата ёзиб кетди. У гоҳ шифтга тикилар, гоҳ менга, гоҳ Ғайратийнинг тугмаси солинмаган ёқасига қараб қоларди. У қараётган-ю, кўрмасди. Хаёли, фикри бошқа ёқда. Домла билан икковимиз қилт этмай ўтирибмиз.

Ғафур ака бир соатча гоҳ ёзиб, гоҳ ўчириб икки саҳифани тўлдирди.

Кейин кўзи очиқ бўлса ҳам тимирскиланиб столдаги «Казбек»ни қидириб топди. Гугурт чақиб ўт олдирди, шу топда у папирос олганини ҳам, чекканини ҳам билмайди. Бу ишларни беихтиёр бажарянти. Шеър битганди. Энди оққа кўчириш қолганди. Ўтириб чиройли қилиб оқ қоғозга кўчирди. Кўзи ёриган хотиндай чарчаб ўзини стулга ташлади.

— Бўлди. Бўлди, оғайни, — деб шеърни Ғайратийга узатди. — Ўқи. Овоз чиқариб ўқи. Бир эшитай.

Домла иккита тўртликни ўқигандан кейин Ғафур ака сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Оғзингда нос борми, нима бало. Буёққа бер!

Шеърни унинг қўлидан юлиб олди-ю, тик турганча маяковскийчасига қилиб оёғини икки томонга кериб, қўлини ҳавода силкитиб ўқий бошлади:

...Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар...

Ғафур ака шеърни ажиб бир шавқ билан ўқиди. Ҳаммамиз жимиб қолдик. Фақат Ғайратий домла бир оғизгина гап айтди:

— Саломат бўл, ўртоқ. Жонинг омон бўлсин.

Эрталаб нонушта пайтида Ғафур ака меҳмонларга шеърни ўқиб берди. Ҳаммага маъқул бўлди.

Тарқалиш пайти келди. Меҳмонларни кўчага кузатиб чиқдик. Эрталабки тўй ошидан қайтиб келаётган чоллар кўчадан ўтишарди. Муқимий театри тарафидан устига кўмир ортган иккита арава келарди. Кўмирчи аравакашлар қора телогрейкаларини елкаларига ташлаб,эгарда қийшиқ ўтиришарди. Радиодан «Чоргоҳ» ашуласи янграб қолди.

Ғафур ака кўча ўртасига тушиб аравакашга қичқирди:

— Тўхтат аравангни! Биласанми, ким ашула айтяпти.

Мулла Тўйчи акам айтаяптилар.

Ошдан келаётган чоллар тўхташди. Ҳамма жим. «Чоргоҳ»нинг мунгли, юракни ўртовчи оҳангларига тўлган бутун кўча жимиб қолганди. «Чоргоҳ» тугади. Дикторнинг овози янгради.

— Сиз Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ижросида...

Ғафур ака хижолат бўлиб Юнус акага қаради.

— Э, ўлинг сизмидингиз. — Кейин у аравакашларга қичқирди: — Ҳайда отингни!

Чоллар ҳам, шоир меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

«Йигитлар» шеъри туғилган кечанинг тонги шу зайлда ёришган эди.

(Давоми келгуси сонда)



Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

НАЗМ ЧОРРАҲАСИДАН РЕПОРТАЖ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

• Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

• Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

• Узоқ шармандалик умрдан кўра, қисқа, ҳалол умрни ҳамиша афзал кўр.

• Ҳалол яшаганингни сезиб турсанг, ҳаёт нашъали ва осон туюлади.

• Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.

• Донолар айтадилар:

— Эй фарзанд, молу мулкингни бекорга сақлама, уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жоҳил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси аммора куйига кириб, ғам ва кулфат кўрадилар.

• Эй, фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг софдил бўл. Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма, ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол!

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй Ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Ҳалолликдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан, — жавоб берди.

• Мусибатли ва оғир дамларда қаноат ва сабрни пеша қил! Сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.

• Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштирма. Уларга марҳамат кўзи билан боқ. Уларнинг гапига қулоқ сол ва яхшилик қил. Раҳм — узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тўқ-фаровон яшашига сабабчи бўлади.

Байт:

Кишидан рози бўлса
агар қариндош,
Ошиб обрўйи, бўлғай
барчага бош.

• Ҳеч бир кишини хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин ёмон сўзлар билан камситмаслик керак.

• Айб яширишни киши ўзи учун шиор қилмоғи керакки, бу улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидандир.

• Агар икки кишининг орасида хусумат пайдо бўлса, уларни яраштиришга ҳаракат қил ва бу ишда ҳеч кучингни аяма.

• Агар сизнинг қадру мартабангиз ортиб, амалга минсангиз, ўзингиздан кичикларнинг хизматини ерда кўйманг ва барча ишларни адолат юзасидан адо қилинг.

• Барча каттаю кичикка, хоҳ у дўст бўлсин, хоҳи душман, шайх Саъдий айтганидек яхшилик қилинг.

Байт:

Олтин-кумуш эҳсон қил
ҳар яхшию - ёмонга,
Бири савоб иш бўлса,
бири тузоқ зиёнга.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА — АНЖУМАН ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Глобаллашув шароитида халқаро журналистика» мавзуига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар, соҳа мутахассислари ҳамда АҚШ, Россия, Франция, Корея Республикаси вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи ишлар масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси, ЖИДУ ректори Абдулазиз Комилов анжуман ишини очар экан, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши ҳамда ўзининг мустақил овозига эга бўлиши жараёнида халқаро журналистиканинг аҳамияти катта эканини таъкидлади.

Соҳа ривожи ахборот оқими учун миллий ва давлат чегаралари тушунчаларининг маъжозий маъно касб этиб, мафкуравий хуружлар ва ахборот тазйиқлари кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бир пайтда долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар қандай ахборот бўшлиқларига чек қўйиб, жаҳон миқёсида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя этадиган, миллий, маданий ва маънавий қадриятларимизни акс эттирадиган ўз халқаро журналистикамизнинг шаклланиши анжуман ишининг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Халқаро муносабатлар тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтда халқаро журналистика соҳасида маҳоратли, етук мутахассисларни тайёрлаш, уларни турли йўналишлар бўйича ихтисослашишини йўлга қўйиш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Журналист сиёсат ҳақида фикр юритганда сиёсатчи, иқтисод ҳақида иқтисодчи бўлиб ижод қилмоғи даркор». Халқаро журналист бунга қўшимча равишда замонавий технологиялар билан ишлашни, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириши лозимлиги қайд этилди.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. ЖИДУда халқаро журналистика мутахассислиги бўйича магистратура ўқув дастури жорий этилган.

АҚШнинг Ж.Хопкинс университети профессори Л.Жарвик ушбу тадбирлар ҳамда мазкур анжуман Ўзбекистонда халқаро журналистика соҳасининг ривожига қаратилган юксак эътибордан далолат беришини таъкидлади.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга бўлган иштиёқи таҳсинга лойиқ, — деди у. — Аминманки, илғор давлатлар тажрибасига таянган ўзбек халқаро журналистикасининг келажаги порлоқдир.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти «Халқаро журналистика» кафедраси мудири профессор С.Чугровнинг фикрича, халқаро журналистнинг ўз давлати ташқи қиёфасини шаклланишида, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошишидаги хизмати улкандир.

— Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган мустақил ва дунёвий давлатдир, — деди у. Мазкур анжуман ишида кўрилган масалалар Ўзбекистон халқаро журналистикаси вакиллари глобаллашув жараёнидан четда қолмаётганини, аксинча, унинг фаол иштирокчиси эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Корея Республикаси Кемёнг университети халқаро журналистика факультети профессори Я.Хьё хоним ҳам мазкур анжуман ишини юксак баҳолади.

— Таъкидлаш жоизки, анжуманда кўриб чиқилган қатор масалалар глобаллашув жараёнида халқаро журналистика олдида турган мақсад ва вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади, — деди Хьё хоним. — Ўзбекистонда халқаро журналистика соҳасида етук мутахассислар тайёрлаш борасида муайян тажриба тўпланган. Мамлакатингизда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган қатор олий ўқув юртлари билан Корея Республикаси олийгоҳлари ўртасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Анжуман ўзаро фикр алмашувларга бой бўлди, кўплаб таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Муҳими, халқаро журналистика соҳасида мутахассислар тайёрлаш, замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва соҳани янада ривожлантириш йўлида яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иқболжон СОЛИЕВ,
Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА.



Ўқишдан бўш пайтларимизда турли спорт тўгаракларига мунтазам қатнашиб борамиз.

• ФУТБОЛ

«Пахтакор»нинг иккинчи ғалабаси

КЕЧА

мамлакатимизнинг саккизта шаҳрида XII миллий чемпионатнинг 2-тур баҳслари ўтказилди.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Андижон» клуби футболчиларини қабул қилди. Асосан майдон эгалари устунлигида кечган баҳсда ишқибозлар дарвозага киритилиши лозим бўлган голни 81 дақиқа кутишларига тўғри келди. Очиғи, шу куни андижонликлар майдон эгаларига муносиб қаршилик кўрсата олишди, ҳатто айрим ҳолларда мезбонлар дарвозаси томон хавфли вазиятлар ҳам уюштиришди. Аммо, пахтакорчилар сардори Қосимовнинг бурчак тўпини қойилмақом тарзда бажариши ва Крушельницкий ўзига узатилган тўпни дарвозага йўллаши Виктор Жалилов шогирдларига муҳим уч очкони ҳадя этди.

Аввалги турда «Металлург»ни енга олган Тошкентнинг яна бир жамоаси «Трактор» бу сафар «Қизилқум»га меҳмонда 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Цементчи» — «Насаф» 2:1, «Дўстлик» — «Бухоро» 1:0, «Сурхон» — «Қўқон-1912» 2:1, «Машъал» — «Нефтчи» 1:2, «Металлург» — «Навбаҳор» 1:1, «Гулистон» — «Самарқанд-Динамо» 1:0.

Навбатдаги 3-тур учрашувлари 6 апрелда бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

«МЕҲРИГИЁ»ДАН ТАСКИН ТОПАР КЎНГИЛ

Республика Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ногирон болалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Меҳригиё" хайрия жамғармаси ногиронлар касб-ҳунар мактаб-интернатини ташкил қилишга бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

— «Меҳригиё» хайрия жамғармамиз 1999 йилда ташкил топган, — деди жамғарма раиси Дилфуза Абдуллаева "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ҳозирда Зангиота туманида 700 нафар ногирон болалар бор. Касб-ҳунар мактаб интернат лойиҳаси янги дастур бўлиб, шу пайтгача деярли қўлланилмаган. Дастур болалар тарбияси, билим олиш ва соғломлаштириш, психологик реабилитация қилиш, ҳар томонлама ақлий ривожлантириш ва касб-ҳунарли қилиш, меҳнатга ва атроф-муҳитга муҳаббатни уйғотиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Д. Абдуллаеванинг таъкидлашича, мактаб-интернатга беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Уларнинг яшаши, кийим-кечак ва иссиқ овқат билан таъминланиши хайрия жамғармаси зиммасида бўлади. Харажатлар жамғарма қошида очиладиган ишлаб-чиқариш шўъба корхонаси даромадлари, ер майдонидан тушган даромадлар ва хомийлар хайриялари билан молиялаштирилади.

Мактаб-интернатда шунингдек, болаларни касбга йўналтиришни ҳисобга олинган ҳолда меҳнат тўгаракларида шуғулланадилар. Тўгаракларда жамғарма қошида ташкил этилган шўъба корхонаси буюртмалари бажарилади. Ишлаб топган маош ва давлатимиз томонидан берилган нафақа пуллари боланинг шахсий ҳисоб рақамига жамғарилиб, битирганлар оиласига қайтиб ўз ишини бошлашда бошланғич маблағ бўлади.

Йиғилишда шунингдек, бу йил 28 нафар ногирон иш билан таъминланиши, шунингдек, телерадиомарафон ўтказиш кўзда тутилаётганлиги, 8 та ихтиро лойиҳаси мавжуд бўлиб, улар устида иш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

«Туркистон-пресс»

Спорт

ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Владимир Маминов ва Олег Пашинин тўп сураётган Россиянинг «Локомотив» жамоасига футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси 6-тур баҳсларида омад кулиб боқмади. Ўз майдонларида «Реал» жамоасига қарши тўп сурган москваликлар ҳужумкор ўйин намойиш этсаларда рақиблар дарвозасига гол йўллай олишмади. Аксинча, бразилиялик футбол юлдузи Рональдо томонидан Маминов жамоаси дарвозасига гол киритилиши «Реал»га муҳим уч очкони ҳадя этди.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Умумқўшин қўмондонлик билим юртида офицерлару аскарлар ҳамда курсантлар иштирокида уюштирилган спорт тадбири яшариш, янгиланиш айёми Наврўзга бағишланди. Унда ўзларининг эпчиллигу чақконликларини намойиш этган мазкур илм масканининг курсантларидан ташкил этилган саккиз жамоа ғолиблик учун ўзаро кураш олиб борди. Спортнинг 100 метрдан 3 километргача бўлган масофаларга югуриш, ҳар хил эстафеталар, арқон тортиш, кураш, баскетбол, волейбол турлари бўйича ўтказилган баҳслар ғолибларига тадбир якунида эсдалик совғалари туҳфа этилди.

КИКБОКСИНГЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори кикбоксинг ривожига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Чунки кейинги йилларда кикбоксингни ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида турли хил клублар, тўғараклар сони ортиб боряпти. Қувонарли жиҳати ушбу спорт тури бўйича кўпгина турнирлар уюштириляпти. Куни кеча шаҳримиздаги «Жар» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича мамлакат очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган кикбоксинг усталари ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди. Айниқса, ушбу турнирга Осиё кикбоксинг ассоциацияси раҳбарларининг ташриф буюрганлари мусобақа нуфузининг қай даражада эканлигини, мамлакатимиз ёшлари иқтидорига хорижликлар юқори баҳо бераётганликларини исботлайди. Қизғин, муросасиз кечган баҳсларда ғолибликни қўлга киритган ёшлар совринлар ҳамда мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Аҳмад ЮНУСОВ

Оқшомхонлар диққатига!
Газетанинг навбатдаги сони 26 мартда чиқади.

Нима? Қачон? Қаерда?

◆ **Бугун** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Дарз» ҳинд бадиий фильми соат 11.00, 14.00, 17.00 да намойиш этилади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Т. Минуллин асари «Дилафрўзга тўрт ошиқ» спектакли соат 18.00 да бошланади.

25 мартда:

◆ Ўзбек Миллий Академик драма театрида Й. Муқимов, Ҳ. Расул асари «Муқаддас тахтизар» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Тошкент давлат мусиқали комедия (Оперетта) театрида «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» мусиқали эртак спектакли соат 11.00 да бошланади.

26 мартда:

◆ Ҳалқлар дўстлиги саройида Наврўз айёмига бағишланган эл севган санъаткорлар ижросида гала концерт соат 19.00 да намойиш қилинади.

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Наврўза» спектакли соат 14.00 да бошланади.

27 мартда:

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Минг бир кеча» балети соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида «Икки мўъжиза» спектакль премьераси соат 11.00 да бошланади.

28 мартда:

◆ Ҳалқлар дўстлиги саройида «Замин юлдузлари» фестивали қатнашчилари ижросидаги концерт соат 19.00 да намойиш этилади.

◆ Ўзбек Миллий Академик драма театрида У. Азим асари «Кундузсиз кечалар» спектакли соат 18.00 да бошланади.

29 мартда:

◆ Республика қўғирчоқ театрида «Салом Наврўз» спектакли соат 11.00, 13.00 да намойиш қилинади.

◆ Қозоғистон номли кинотеатрда «Денгиз бўйидаги шаҳар» бадиий фильми соат 14.30, 19.30 да, «Саккиз милья» бадиий фильми соат 17.00 да (Америка фильмлари) бошланади.

30 мартда:

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат драма театрида Ҳ. Муҳаммад асари «Куёвлар конкурси» спектакли соат 17.00 да бошланади.

◆ Ўзбек Миллий Академик драма театрида Э. Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Тошкент давлат мусиқали комедия (Оперетта) театрида «Кичик жин» мусиқали эртак спектакль премьераси соат 11.00 да бошланади.

• БИЛАСИЗМИ?

Биринчи мусобақа

Биринчи халқаро гўзаллар мусобақаси 1908 йил 14 август куни Буюк Британиянинг Фолкенстоуне шаҳрида бўлиб ўтган.Ушбу мусобақада олтита инглиз, учта фаранг, битта ирланд, битта Австралия, битта америкалик аёл иштирок этишган. Қизиғи шундаки, мусобақа оммавий тарзда уюштирилган бўлиб, унда махсус ҳакамлар ҳайъати тузилмаган. Фолкенстоуне саройида ўтказилган бу тадбирга кириш учун томошабинлар чипта билан бирга учта купон ҳам сотиб олишган. Бу купонлар уларга энг гўзал аёлни номзодликка сайлаш учун иштирок этиш ҳуқуқини берган (чипта нархи 4 шилинг) жамоат Моулои шаҳридаги Серри қиролининг қизи, 18 ёшли инглиз Нелли Жарман хонимни ғолиб деб топган. Жарман хоним мукофот тариқасида бериладиган пул ўрнига, «Спенсер» фирмасининг махсулоти бўлган ниҳоятда қимматбаҳо чолғу асбоби роялни танлаган ва халойиқ томонидан ушбу мукофот билан тақдирланган. Шуниси қизиққи, Жарман хоним рояль чалишни мутлақо билмас экан.

Раҳбар... Аёллар

Шу пайтгача дунё миқёсида бештагина аёл Бош вазир лавозимида ишлаган. Уларнинг биринчиси 1960 йил 21июль куни Шри-Ланка бош вазири этиб тайинланган Сиримаво Бандранаике хонимдир. Бу аёл ақли заковати, сиёсат ва фалсафа ҳамда бошқа кўпгина илмлар билимдони бўлганлиги боис мамлакатда жуда катта обрў қозонган. Ундан кейин Ҳиндистонда Индира Ганди, Исроилда Голда Меир, Буюк Британияда Маргарет Тетчер, Норвегияда Гру Харлем Брунтланд, Покистонда Беназир Бхуттолар бош вазир бўлганлар.

Президент лавозимига эса ҳозиргача ҳеч қайси давлатдан аёл киши сайланмаган.

• БАҲОР ТАОМЛАРИ

Ялпизли шўрва

Бу таомни тайёрлаш учун сопол хумчалар керак бўлади. Хумчаларга майда тўғралган пиёзни ва лўнда тўғралган гўштни соласиз. Сабзини ҳалқа шаклида тўғрайсиз, картошкани бўлиб соласиз. Ялпизни ўртача катталикда тўғраб, кашнич уруғини майдалаб соласиз. Ҳар бир хумчага биттадан «магги» бўлакчаси солинади. Хумчага қайнаган сув тўлдирилиб, духовкада 20 минут пиширилади. Битта хўрандага бир хумча шўрва келтирилади.

Битта хумчага битта пиёз, битта сабзи, иккита картошка, 50 грамм ёғлиқ гўшт, ялпиз, «магги» бўлакчаси, кашнич солинади.

Ялпизли чой

Ялпизли чой халқ табобатида юракни бақувват қиладиган, кайфиятни созлайдиган дори сифатида қўлланилган. Ялпиз бош оғриғини қолдиради, барги чайналса оғизни шамол юргандек қилади ва чанқоқни қолдиради. У тиш оғриғига ҳам даво.

Ялпизли чой шундай тайёрланади: ярим литрли чойнакка кичкина қошиқда қора ёки кўк чой, 4 та ялпиз барги солиниб, қайноқ сув қуйилади. Унга асал ва новвот ҳам солиш мумкин.

• ҚАТРАЛАР

Боиси меҳнат

— Биз сизларни чиройли қилиб турамиз. Кўрганлар ҳавас билан боқади, — ўзларини кўз-кўз қилди ўнг ва чап қўлга тақилган билакузуклар.

— Тўғрику-я, сизлар ҳалол меҳнатимиз эвазига келганингизни зинҳор унутманг, — дейишди қўллар.

Бекорга оқиш

Катта ариқнинг суви бешик-бешик тўлқин билан шўхланиб оқаркан, ёнидаги кичик ариқ сувига:

— Мунча имиллайсан, овозинг ҳам чиқмайди, — деди мағрурлик билан.

— Ниҳолларни сувга қондириб, шошилмай оқаяпман. Сенга ўхшаб бекордан бекорга шовқин солиб оқишдан нима фойда, — деди ариқча.

Чилчўп

— Нишолдани ширин қилган мен, — деди шакар.

— Менсиз нишолда тайёрлаб бўлмайди, — бўш келмади тухум ҳам.

— Сенларни баракали қиладиган мени ҳам ўйлаб қўйинглар, — ўзини босолмай кўпирди етмак.

— Фикрингизга юз фоиз қўшилман, лекин, — деди чилчўп, — сизларни қовуштириш учун бош уриб ҳаракат қилсам, ўзингизча нишолда қилолмайсиз, — деди меҳнаткаш чилчўп.

Назардан четда

Томорқа атрофида тутилган тиконли симдан сўрашди:

— Нега бўшашиб, чувалаб ётибсан?

— Экин борида таранг — хушёр туриб қоровуллик қилардим. Эгамнинг назаридан тушмасдим. Сал бўшашсам таранг тортиб, қаддимни ростлаб турарди. Ҳосил туговдики, эътибордан четда қолдим. Кўриб туришсиз, қўриқлайдиган ҳосил йўқ. Бекорман. Бўшашиб ётишим шундан.

— Тўғри, унда сенда нима айб? Меҳнатинг бўлганда назардан тушмасдинг, — дейишда унга.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, энергия таркибий қисмларининг нархи ошиши муносабати билан 2003 йил 8 апрелдан корхоналар ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси нархи ҚҚСни инобатга олмаганда 6 517,00 сўм/Гкал, ҚҚС билан эса 7 820,40 сўм/Гкал қилиб белгиланди.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолисига маълум қиладики, 2003 йил 8 апрелдан иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

марказий иситиш — 14 квадрат метр яшаш майдонига — 78,00 сўм;

иссиқ сув таъминоти:

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1 100,00 сўм/киши/ой

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 552,00 сўм/киши/ой

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 245,00 сўм/м³/ой меъёр (3,2 м³/киши) чегарасида, меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда 377,00 сўм/м³/ой.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Миробод туман меҳнат бўлими шаҳримизнинг барча туманлари аҳолисини навбатдаги бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркасига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ярмарка 2003 йил 27 мартда қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-3 даҳасида ўтказилади.

Мўлжал: 2-оилавий поликлиника.

37, 45, 119 ва 15-автобусларда боришингиз мумкин.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8073 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.